

ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДЕГРАЦИЯГА УЧРАГАН ЕРЛАРИНИНГ ҚАДИМГИ ҲОЛАТИНИ ТИКЛАШ БЎЙИЧА БАЎЗИ БИР ИЛМИЙ ТАВСИЯЛАР

Холбаев Б.М.- ҚМШИ,доцент

Суғориладиган ерларда вужудга келадиган экологик-мелиоратив жараёнлар, сув хўжалик ва қишлоқ хўжалик фаолиятларининг антропоген омиллари таъсирида шаклланиши сабаб бўлади. Арид минтақасидаги экологик-мелиоратив жараёнларга қуйидаги кўрсаткичлар киради:

- 1.Сизот сувларининг жойланиш чуқурлиги;
- 2.Тупроқ қатламининг шўрланиши;
- 3.Тупроқ ва сизот сувлари ўртасидаги нам алмашинишнинг жадаллашуви;
- 4.Коллектор-зовур сувларининг минераллашуви;
- 5.Суғориладиган сувларнинг минераллашуви;
- 6.Тупроқнинг ифлосланиш даражаси.

Экологик-мелиоратив ҳолатнинг барча кўрсаткичлари суғориладиган ерларда ўтказиладиган мелиоратив тадбирлар билан аниқланади ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг шаклланишига таъсир кўрсатади.

Сизот сувларининг сатҳи (ССС) – асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланиб, у орқали мелиоратив жараёнларни баҳолаш амалга оширилади. Суғориладиган ерларда СССР қаралаётган ҳудудга суғориш учун ўзатилаётган сувнинг ва коллектор-зовур тизимлари орқали чиқиб кетаётган оқова сувлари таъсири остида шаклланади. Суғориш учун берилаётган ва оқова сувлар нисбати бўйича сизот сувларининг чуқурлиги белгиланади. Муаллифлар тадқиқот ишларига асосан (1986-2002 й.й) ва сув хўжалик фаолияти таҳлил қилиниб, аниқ табиий-хўжалик шароитларига боғлиқ ҳолда, ҳар бир ҳудуд учун қулай мелиоратив ҳолати вужудга келтиришни таъминлайдиган, сизот сувлари жойлашишини рухсат этилган чуқурлиги тавсия этилган. 1,1-жадвалда Қашқадарё вилоятининг қуйи зонаси учун сизот сувлари сатҳининг рухсат этилган чуқурлиги келтирилган.

Тупроқларнинг иккиламчи шўрланиши сизот сувлари ва тупроқлар ўртасида юқори тезликда отилиб чиқувчи ва жадал нам алмашинуви оқибатида ҳосил бўлади. Нам алмашинувини ростлаш зовур ва шўр ювиш билан амалга оширилади. Арид минтақасида иккиламчи шўрланишнинг олдини олиш учун зовурлар бор жойда йилнинг совуқ вақтида профилактик шўр ювиш амалга оширилади, вегетация даврида эса асосланган суғориш режими ва СССРни рухсат этилган меъёридан ёки оптимал қийматларида кўтарилиб кетишига йўл қўймаслик керак.

Суғориш режимига тузатиш киритиш, СССнинг оптимал қийматларини асослаш ва зовур оқими модулининг заррий миқдорлари учун тупроқларнинг сув-туз режими прогноз қилинади. Тупроқда бу жараёни батафсил ёритиш учун нафақаттоғ жинслари зоналарида ҳаракатланаётган суюқликларга эриган тузларни ўтишини, балки ион алмашилиш сорбцияси, ҳамда корбонат ва гипслар эритмасини эътиборга олиб, тупроқ-ютувчи комплекс ва тупроқ эритмаси ўртасида алмашилиши жараёнларини ҳам кўзда тутиш лозим.

Экологик ҳолатларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллардан бири, суғориладиган ерлар чегарасидан ташқарида коллектор-зовур тизимларига келадиган миқдордаги ҳажми ҳисобланади. Зовур-оқова сувлари табиий-мелиоратив жараёнлар билан аниқланади ва суғориш, коллектор-зовур тармоқлари, сув бериши ҳажми ва режимига, ўтказиладиган агротехник тадбирларнинг тавсифларига боғлиқ бўлади. Табиий муҳитга зовур-оқова сувларининг салбий оқибатларини олдини олиш ва йўқ қилиш учун техноген чиқиндиларни ва ҳажмини камайтириши, зовур-оқова сувлардан мелиоратив тизимлар доирасида тўлиқроқ фойдаланиши мақсадида сифатини яхшилаш муаммоларини ечишни талаб этади. Зовур-оқова сувлари тупроқ, сизот сувлари, ер остки ва ер устки сувлар

1-жадвал

Қашқадарё вилояти қуйи зоналарида сизот сувларининг
рухсат этилган чуқурлиги (интервал)

Сизот сувларининг минераллашуви, г/л	Аэрация зонасининг механик таркиби	Туманлар (тарқалиш чегараси)	Рухсат этилган чуқурлик (интервал)
<u>5,55</u> 5,89		Қарши	<u>2,1-2,8</u> 2,2-2,9
<u>5,38</u> 5,29		Нишон	<u>2,1-2,8</u> 2,2-2,9
<u>5,0</u> 4,50		Миришкор	<u>2,0-2,7</u> 1,9-2,6
<u>3,14</u> 3,18		Касби	<u>1,6-2,4</u> 1,6-2,4

Эслатма: суратда – вегетация даври; махражда – вегетация давридан кейин.

билан ўзаро боғлиқ бўлиб, ландшафтнинг шаклланишига таъсир кўрсатади ва табиий муҳитда салбий оқибатлар келтириб, ҳудуднинг экологик ҳолатини ёмонлаштиради.

Суғориладиган ерларда экологик-мелиоратив ҳолатнинг шаклланишига суғориладиган сувларнинг сифати ва минераллашуви бевосита таъсир кўрсатади. Суғориладиган сув билан биргаликда тупроққа қўшимча сув миқдори киритилади. Суғориладиган сувнинг ион таркиби тупроқда содир бўладиган гидрокимёвий жараёнларга таъсир этиши мумкин. Қашқадарё вилоятининг қуйи ҳудудларида ва тадқиқот участкаларида ҳозирги пайтда суғоришга бериладиган сувларнинг сифати нисбатан яхши (минераллашуви 0,95-1,05 г/л), шунга қарамадан суғоришга берилаётган сувга боғлиқ ҳолда пахта ҳосилдорлиги пасаймоқда.

Тупроқ қатламига қишлоқ ва сув хўжалик фаолияти таъсир этиб, тупроқ ҳолатини аниқлайди, экологик-мелиоратив ҳолатининг шаклланишига таъсир этади. Шунинг учун тупроқнинг ифлосланиш даражасини ҳам экологик-мелиоратив ҳолатнинг кўрсаткичларига киритиш мумкин.

Мавжуд экологик-мелиоратив ҳолатлар суғориладиган ерларнинг маҳсулдорлигини оширишни таъминламайди, шунинг учун уни яхшилаш мақсадида тадбирлар зарур. Ана шундай тадбирлар жумласига: шўр ювиш, асосланган суғориш режими ва коллектор-зовур тармоқларидан тўғри фойдаланиш, илмий асосланган агротехникалар киради.